


Тошкент педиатрия тиббиёт
институтининг
2023 йил " 31 " август даги
332-сон баёнига
1-ИЛОВА



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Тошкент педиатрия тиббиёт
институти ректори
Б.Т. Даминов

2023-йил " 31 " август

**Тошкент педиатрия тиббиёт институтига
педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги
ВАҚТИНЧАЛИК МУВАҚҚАТ НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига, , Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти (кейинги ўринларда - Институт) Кенгашининг 2023 йил 30-августдаги 1-сонли қарорига мувофиқ, Институтга педагог ходимларни (профессор-ўқитувчилар таркибини) танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдалана оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган, чукур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилиятлар ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган профессор-ўқитувчиларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

3. Танлов адолатлилик, холислик, ошкоралик, шаффофлик ва коллегиаллик тамойиллари асосида амалга оширилади.

4. Институтга ўриндошлик ва соатбай ҳақ тўлаш асосида ишга қабул қилинаётган педагог-ходимлар, докторантура, магистратурани грант асосида мазкур ўқув йилида битирган ёш иқтидорли мутахассислар Институт

ректорининг буйруги билан танловсиз бир йилга (ўқув йилига) ишга қабул қилинади. Бунда ташки ўриндош педагог ходимлар кафедрадаги жами штатлар сонининг 15 фоизидан ошмаслиги лозим.

5. Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди. Бундай ҳолларда ходимнинг аризаси асосида Институт ректорининг буйруги билан танловсиз бир ўқув йилига ишга қабул қилинади.

6. Институтга педагог ходимларни ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади, хорижий профессор-ўқитувчи ва мутархассисларни педагог сифатида ишга қабул қилиш бундан мустасно. Хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни ишга қабул қилишини Халқаро ҳамкорлик бўлими томонидан амалдаги қонун хужжаталарига асосан расмийлаштирилади ва мониторинги олиб борилади.

2. Педагог ходимларга қўйиладиган талаблар (лавозимлар бўйича)

7. Педагог ходимлар тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

8. Институт кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчиси (ассистент), ўқитувчиси-стажёри лавозими 1 (бир) йил (ўқув йили) муддатга танлов асосида эгалланади ва бир йиллик (ўқув йилига) муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

Юқорида келтирилган муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг бир йиллик (ўқув йиллик) муддати даврида ректорнинг буйруги билан тасдиқланадиган олий таълим муассасасининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби Институт Кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари Институт Кенгашида кўриб чиқилади.

9. Кафедра мудири лавозими учун:

- олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва камида 5 йиллик самарали иш стажига, фаолият тури ва

ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўникмаларга эга бўлиши;

- намунавий шахсий фазилатларга - интеллект, маданият, етакчилик, ижодий, хушмуомалалиқ, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, институт стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- кафедрада бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йуналишлари ва мутахассисларидан бири бўйича фан доктори, фан номзоди, DSc ёки PhD илмий даражаси ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, профессор ёки доцент (катта илмий ходим) илмий унвонига эга бўлиши лозим.

Доцент (фан номзоди, PhD ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир йиллик (ўкув йиллик) муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаш турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, PhD ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) факат истисно ҳолларда Институт ректорининг тақдимномасига биноан кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда яна иштирок этиши мумкин.

Фан номзоди, Ph.D ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Тиллар бўйича кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этишига доцент илмий унвонига (фан номзоди, PhD ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йил методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қўйилиши мумкин.

- кредит-модуль тизимини мукаммал ўзлаштирган бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини билиши (Microsoft Office дастурлари ва таълим платформаларидан эркин фойдалана олиши) ҳамда ўз фаолиятида қўллай олиши;
- Интернет сайтларидан (Web of Science, Scopus, Elsevier, Google Scholar) ҳамда платформалардан фойдаланиш қўнимасига эга бўлиши;
- Таълим соҳасини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни пухта билиши ва уларни амалда қўллай олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДҲ давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукаммал билиши (чет тили бўйича миллий ёки халкаро тан олинган сертификатларга эгалиги), ходимнинг хорижда малака оширганлигини ҳамда чет элда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эгалиги

номзодга танлов жараёнида устунлик берини мумкин.

10. Профессор лавозими учун:

- педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўникмаларга эга бўлиши;

- кафедрада бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори, фан номзоди, DSc ёки PhD илмий даражаси ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, профессор ёки доцент (катта илмий ходим) илмий унвонига эга бўлиши;

бир йилга (ўқув йили) профессор лавозимини эгаллаш учун танловда фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарти билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.

- кредит-модуль тизимини мукаммал ўзлаштирган бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини билиши (Microsoft Office дастурлари ва таълим платформаларидан эркин фойдалана олиши) ҳамда ўз фаолиятида қўллай олиши;
- Интернет сайтларидан (Web of Science, Scopus, Elsevier, Google Scholar) ҳамда платформалардан фойдаланиш қўникмасига эга бўлиши;
- ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДҲ давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукаммал билиши (чет тили бўйича миллий ёки халкаро тан олинган сертификатларга эгалиги), ходимнинг хорижда малака оширганлигини ҳамда чет элда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эгалиги номзодга танлов жараёнида устунлик берини мумкин.

11. Доцент лавозими учун:

- педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўникмаларга эга бўлиши;

- кафедрада бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йуналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори, фан номзоди, DSc ёки PhD илмий даражасига ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга, доцент (катта илмий ходим) илмий унвонига эга бўлиши ҳамда бундай илмий унвонга эга бўлмаслиги;

бир йилга (ўқув йили) доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга

бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

- кредит-модуль тизимини мукаммал ўзлаштирган бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини билиши (Microsoft Office дастурлари ва таълим платформаларидан эркин фойдалана олиши) ҳамда ўз фаолиятида қўллай олиши;
- Интернет сайтларидан (Web of Science, Scopus, Elsevier, Google Scholar) ва платформалардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши;
- ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДҲ давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукаммал билиши (чет тили бўйича миллий ёки халкаро тан олинган сертификатларга эгалиги), ходимнинг хорижда малака оширганлигини ҳамда чет элда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эгалиги номзодга танлов жараёнида устунлик бериши мумкин.

12. Катта ўқитувчи лавозими учун:

- педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида педагогик иш тажрибаси камида 3-5 йиллик иш стажига ёки соҳа йўналиши бўйича амалий билим ва кўникмага ҳамда 5 йил ишлаб чиқаришдаги иш стажи, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- магистратура ёки мутахассис дипломига, кафедрада бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йуналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан номзоди ёки PhD илмий даражасига ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражасига эга бўлиши ҳамда бундай илмий даражага эга бўлмаслиги, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши;
- намунавий шахсий фазилатларга - интеллект, маданият, ижодий қобилият, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий характер қилиш, Институт стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- ўз фаолияти давомида ўқитган фанлари бўйича фан дастурларини ишлаб чиққанлиги, услубий қўлланмалар яратганлиги, ўқув адабиётларини яратишдаги ҳиссаси инобатга олинади;
- кредит-модуль тизимини мукаммал ўзлаштирган бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини билиши (Microsoft Office дастурлари ва таълим платформаларидан эркин фойдалана олиши) ҳамда ўз фаолиятида қўллай олиши;
- Интернет сайтларидан (Web of Science, Scopus, Elsevier, Google

Scholar) ҳамда платформалардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши;

- ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДҲ давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукаммал билиши (чет тили бўйича миллий ёки халкаро тан олинган сертификатларга эгалиги), ходимнинг хорижда малака оширганлигини ҳамда чет элда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эгалиги номзодга танлов жараёнида устунлик бериши мумкин.

13. Ассистент, ўқитувчи, стажёр-ўқитувчи лавозими учун:

- педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилияtlарига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;
- магистратура ёки мутахассис дипломига эга бўлиши;
- намунавий шахсий фазилатларга - интеллект, маданият, ижодий қобилият, хушмуомалалик ва ташабbusкорлик қобилияtlарига эга бўлиши, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиши ва иш тутиши, қатъий ҳаракат қилиши, Институт стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- кредит-модуль тизимини мукаммал ўзлаштирган бўлиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини билиши (Microsoft Office дастурларини) ҳамда ўз фаолиятида қўллай олиши;
- Интернет сайтларидан (Web of Science, Scopus, Elsevier, Google Scholar) ҳамда платформалардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши;
- ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДҲ давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукаммал билиши (чет тили бўйича миллий ёки халкаро тан олинган сертификатларга эгалиги), ходимнинг хорижда малака оширганлигини ҳамда чет элда ўқиганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эгалиги номзодга танлов жараёнида устунлик бериши мумкин.

3. Танловни ўтказиш тартиби

14. Институтда сайлаш муддати ушбу ўкув йилида тамом бўладиган, шунингдек бўш лавозимларга кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар (ассистентлар) ва ўқитувчи-стажёрлар лавозимларини эгаллашга танлов Институт веб-сайтида эълон қиласи.

15. Танлов бўйича сайлов Институт Кенгашида ёки факультетлар Кенгашларида ўтказилади.

Кафедра мудири, профессори ва доценти лавозимларига, профессор ва доцент илмий унвонига танловлар Институт Кенгашида ўтказилади.

Кафедра катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимларига танловлар Факультет Кенгашида ўтказилади.

Институт Кенгашида ёки факультетлар Кенгашларида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи Институт ректорига тегишли бўлади.

16. Танловлар вақти Институт веб-сайтида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 7 (етти) кундан кечикмай берилиши керак.

17. Танловда қатнашишни хоҳловчилар институт ректори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варака ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан доктори, фан номзоди, DSc ёки PhD илмий даражасига ёки уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиrolар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

18. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишидан олдин улар томонидан синов маъruzalari (Институт ўқитувчилари учун — очик машғулотлар) ўтказилади. Синов маъruzalari ва очик машғулотлар мавзулари кафедра фанлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Кафедра мудири лавозимига номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлиси факультет декани (Институт умумий кафедраларида – проректор ўтказади).

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисбот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, очик ёки яширин овоз берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан ўриндошлиқ тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қиласида ва уни ўқитувчининг ҳисботи билан бирга Институт (факультет) Кенгашига жўнатади.

Факультетнинг кафедра аъзоси ҳисобланмайдиган декани (проректор) кафедра мудири лавозимига номзодлар бўйича тавсияномалар қабул қилишда овоз беришда қатнашмайди. Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда қатнашмайди.

19. Ҳар қайси номзод бўйича Институт (факультет) Кенгаши мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб

эшиттирилади.

20. Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилаётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетенъ бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

21. Овозларни ҳисоблаш учун Институт (факультет) Кенгашида овоз бериш бошланишидан олдин таркибида Институт (факультет) Кенгашининг камидаги уч нафар аъзоси бўлган саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қиласди.

Саноқ комиссияси протоколи Институт (факультет) Кенгаши томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

22. Танловни ўтказишида Институт (факультет) Кенгаши қарори, агар овоз беришда Институт (факультет) Кенгашининг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камидаги учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Институт (факультет) Кенгаши овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камидаги 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда Институт (факультет) Кенгаши айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишида овозлар сони тенг бўлиб қолса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Институт (факультет) Кенгаши қарори Институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

23. Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва Институт (факультет) Кенгаши мажлислари очиқ тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва Институт (факультет) Кенгаши мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки Институт (факультет) Кенгаши қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

24. Институт (факультет) Кенгаши котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равищда хабардор қиласди.

25. Институт (факультет) Кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

4. Мехнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш

26. Институтда ишламайдиган ва педагог ходимлар лавозимига танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни танлов ўtkазилган кундан эътиборан мазкур ўқув йилининг 31 августига қадар муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар йилида (ўқув йилда) ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади, ходим эса танловда қатнашишга ҳақлидир.

Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишуви бўйича белгиланади, бироқ ушбу муддат бир ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Педагог ходимларнинг ёзги каникул (таътил) даври ушбу муддатга кирмайди.

27. Институтда ишлайдиган ва танлов бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қуидагилар ёзиб қўйилади:

а) улар илгари эгаллаб келган лавозим учун — меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимлар учун — танловдан ўтганлик тўғрисида илмий кенгаш протоколи қайд этилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ёзилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Давлат бошқаруви органи қарорига кўра педагог ходимлар аттестациядан ўтказилган тақдирда аттестация якунларига кўра иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари масалалари, шахснинг танлов бўйича эгалланадиган лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

28. Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли Институт ректори томонидан белгиланган муддатларда (қоидага кўра, ўқув семестри, йил тамом бўлгандан кейин) меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўхтатилади.

29. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда педагог ходимлар бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудири лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масалани Институт Кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қиласди.

Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудири сайланган муддати ўтгунгача, ректор буйруги билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудири лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудири лавозимига танлов бўйича мудир тайинланади.

30. Институт ректорига танлов ўтказилгунгача кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан биттасига ёки факультет деканига бўш кафедра мудири лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга рухсат этилади.

Вакиллик органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиши натижасида унинг билан меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчи унинг сайлов бўйича ваколатлари тугагандан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача мазкур Институтнинг илгари эгаллаб келган ёки унга teng бўлган педагог ходимлардаги лавозимга тайинланади.

31. Институт ректорига Институт (факультет) Кенгашида кўриб чиқиш учун педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритиш хуқуки берилади.

Институт (факультет) Кенгашида педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишиндан олдин унинг фаолияти ректорнинг буйруги билан тасдиқланадиган комиссия томонидан ўрганиб чиқилиши керак. Институт (факультет) Кенгаши қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва тарбиявий ишлар, шунингдек маъruzалар ва семинар машғулотлари ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар Институт (факультет) Кенгаши қарорига кўра кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб эътироф этилса, у ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда тўхтатилиади.

Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли Институт (факультет) Кенгаши и қарорига биноан тўхтатилиши мумкин.

32. Институт педагог ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш масалаларига доир меҳнат низолари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6. Яқунловчи қоидалар

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтига
педагог ходимларни танлов асосида
ишга қабул қилиш тартиби түғрисидаги
вақтингачалик мұваққат низомга
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари
профессор-ўқитувчилари фаолиятини ўрганиш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Күрсаткичлар	Баҳо
Ўқув-методик фаолияти (40 балл)		
1.	Ўқитувчилик фаолияти (20 балл):	
1.1.	Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси (очиқ машғулотлар натижалари бўйича)	
1.2.	Ўқитиши сифати даражаси (талабалардан сўраб чиқиши натижалари бўйича)	
1.3.	Талабаларнинг ўқитувчининг йўлланмаси (фани) бўйича олимпиадаларда, ҳар хил танловлар ва илмий грантлардаги иштироки	
2.	Методик ишлар (20 балл):	
2.1.	Йил мобайнида олий таълим муассасаси ўқитувчиси томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони	
2.2.	Ўқитиша компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, ўқув курсини ва ўқув-тақдимот материалларини ишлаб чиқиши	
2.3.	Ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва талабалар билимларини баҳолашнинг илғор усувлари қўлланилиши даражаси	
Тарбиявий фаолияти (20 балл)		
3.	Талабалар билан тарбиявий иш бўйича тадбирларда иштирок этиши: маънавий-маърифий ишлар, спорт клублари, илмий, ижодий тўгараклар, маданий тадбирлар ва шу кабилар	
4.	Талабаларнинг академик гурухларида кураторлик	
5.	Талабаларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этишдаги иштироки	
6.	Идора, минтақа доирасида бажариладиган жамоатчилик ишлари ва олий таълимдан ташқари ишлар	

Илмий фаолияти (30 балл)		
7.	Илмий конференциялар ишида иштирок этиш	
8.	Илмий нашрларда (шу жумладан хорижий илмий нашрларда) материаллар, монографиялар эълон қилиш	
9.	Халқаро, илмий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш	
10.	Патентлар ва ихтиrolар сони	
11.	Таянч докторантлар ва докторантларнинг диссертация тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилиш	
12.	Докторлик диссертациялари доирасида илмий тадқиқот олиб бориш	
Олий таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган улуши (10 балл)		
13.	Бошқа таълим муассасалари: олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этиш (ўқитувчилик фаолияти ва улар учун билимлар даражасини ошириш тренингларини ташкил этиш)	
14.	Хорижий олий таълим муассасалари билан айирбошлиш дастурларида иштирок этиш ва уларни ташкил этиш	
15.	Янги йўналишни, янги кафедрани, лабораторияни очиш ишида, Ахборот-ресурс марказининг электрон базасини тўлдиришда иштирок этиш	
Шахсий фазилатлари (10 балл)		
16.	Илмий даража ва илмий унвон	
17.	Малака ошириш курсларидан ўтиш	
18.	Хорижий тилларни эгаллаганлик, материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишида улардан амалда фойдаланиш	
19.	Хорижий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиш	
	ЖАМИ (энг кўп балл — 110)	

Изоҳ: олий таълим муассасасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, кўрсаткичлар ичида тегишли мезонлар бўйича балларни тақсимлаш олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.